# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi   www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 21-DEKABR, JUMA, 152 (8077)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Тадбиркор Шерзод Умаров қирқ сотих жойда Хитой технологиясида иссиқхона ташкил этди. Ушбу иссиқхона табиий бир шароитда мўътадил иқлимни сақлаб, ҳеч қандай электр энергия ва иссиқлик манбаини талаб этмайди.



Жорий йилда пахтакорларимиз фантехника ютуқлари ва илғор тажрибаларга таянган ҳолда салмоқли ютуқларга эришишди. Кўзда тутилганидан зиёд саноат хомашёси етказиб берган деҳқонларнинг юзи ёруғ бўлди. Бунинг омиллари — ғўзанинг навдорлиги ва уруғлик чигитнинг унувчанлигига жиддий эътибор берилганлигидадир.




«The Banker» (Буюк Британия) журнали «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкини 2012 йилнинг энг яхши банки, деб эътироф этди ва мазкур нашр асосчиси Бренден Брекеннинг бронза ҳайкалчаси билан мукофотлади. "Микрокредитбанк"нинг ушбу мукофот билан тақдирланиши унинг молия бозоридаги муваффақиятли ривожланиш стратегияси, активларининг сифати ва таваккалчиликларни самарали бошқаришининг халқаро миқёсдаги эътирофидир.


САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА


## Куннинг муҳим воқеалари

► Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг 2012 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган "Ҳамжиҳатлик ҳикмати" мавзуида онлайн конференция бўлиб ўтди. Он-лайн тарзида ўтказилган конференцияда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва Тошкент шаҳридаги ҳамюртларимизнинг саволларига жамғарма фаоллари, маданият ва санъат намояндалари, режиссёрлар, актёрлар, олимлар батафсил жавоб берди. Тадбир доирасида жамғарма фаолиятига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

► **"Ангрен" махсус индустриал зонаси (МИЗ-1) ҳудудида фойдаланилган техник мойларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган «Uz-Eco-protect» ва «Uz-Prista Recycling» қўшма корхоналари таъсис этилди. Янги корхоналар ишлатилган техник мойларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимининг таркибий қисми бўлиб, иккиламчи хомашё ва материаллар бозорида амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг экологик масъулияти, ижобий иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлиги ўртасида оптимал мувозанат яратади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида махсус ташкил этиладиган тўплаш пунктларида фойдаланилган техник мойлар қабул қилинади, сақланади ҳамда қайта ишлаш учун жўнатилади.**

► Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган "Келажак овози – 2012" кўрик-танловининг республика босқичи бошланди.



*Обод турмушнинг яна бир муҳим шарти — бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканини барчамиз яхши тушунамиз.*

**Ислом КАРИМОВ**

# ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ – ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгайиб, янги босқичга кўтарилмоқда.**

▼ **2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ**

*Ўзбекистонда ҳатто глобал инқироз даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди.*

**Бу юксак эътироф Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченнинг фикрлари эди.**

Ҳа, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида эришилаётган ютуқлар дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, ўтган йили ноябрь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумга тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур анжуманда дунёнинг ўнлаб нуфузли ташкилотлари, 40 га яқин давлатдан 300 нафар мутахассис иштирок этганди. Улар мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш миллий дастурлари, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишар экан, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида шаклланган самарали моделни юксак баҳоладилар. Энг муҳими, бу борада тўпланган тажрибалар бошқалар учун ўрнак бўлишини қайд этишди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлашга, тиббий маданиятни юксалтиришга, баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда. Асосийси, истиқлол йилларида соҳада амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад – инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганидадир.

1998 йилда қабул қилинган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури изчил рўёбга чиқариляпти. Бунинг натижасида, энг аввало, аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилди. Туман ва шаҳарларда энг юксак талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган тез тиббий ёрдам хизматлари ташкил этилди.

Бу ҳақда сўз борар экан, қишлоқ жойларда амалга оширилаётган ишларни таҳлил этиш орқали мамлакатимиз тиббиёти қанчалик юксалганини кўрамиз. Ўтган даврда жойларда умумий амалиёт врачи ва оилавий тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш тамойиллари асосида қишлоқ аҳолисига сифатли дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди.

Қисқа вақт ичида ушбу ҚВПлар биокимёвий анализаторлар, офтальмоскоп, автоклав, бинокуляр микроскоп, фетал доплер, ЭКГ каби замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Ўтган йиллар ичида "Саломатлик-1", "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида 70 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ қишлоқ жойлардаги бирламчи тиббиёти бўғини муассасалари инфратузилмаларини яхшилашга йўналтирилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

## АГРАР ТАРМОҚДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида қаралади.

Ерга меҳр — элга меҳр, дейишади. Ерга меҳр — келажакка меҳр, истиқболга замин, дейиш мумкин. Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони том маънода ҳаётбахш ҳужжат бўлди. Фармон ижросида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлигини оширишнинг ишончли механизми яратилди. Бунинг натижасида минглаб гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, энг муҳими, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги ошди.

Таъкидлаш жоизки, айни шу масала доимий эътиборда. Буни Президентимизнинг ўтган йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил Инвестиция дастури тўғрисида"ги Қарори мисолида ҳам кўриш мумкин. Қарорга кўра, 2012 йилда 9 та лойиҳа доирасида 75,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини ўзлаштириш кўзда тутилган эди.

Муҳими шундаки, ушбу ишларни амалга ошириш натижасида жорий йилда 150 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати ва сув таъминоти яхшиланишига эришилмоқда. Шунингдек, жорий йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 18 та истиқболли инвестицион лойиҳалар доирасида тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда молиялаштириш манбалари аниқланиб, уларни 2012–2017 йилларда амалга ошириш белгиланди.

Ушбу истиқболли инвестицион лойиҳалар доирасида Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида 50 дан ортиқ насос станцияси қурилиши ва қайта таъмирланиши, суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш лойиҳалари доирасида 100 донага яқин экскаватор, 15 та бульдозер, 30 дона земснаряд ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техника ҳамда ускуналари харид қилиш режалаштирилган. Бунинг натижасида 450 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг сув таъминоти кафолатланади ва ҳар йили республика ҳудудида 100 минг гектардан зиёд суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кўзда тутилган.

Мелиорация ишларида хориж инвестицияси муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2003–2012 йиллар мобайнида хорижий давлатлар кредит маблағлари ҳисобидан умумий кредит қиймати 740,9 миллион долларлик 25 инвестицион лойиҳалар доирасида 502,8 миллион долларлик ишлар бажарилиб, 1637 та ҳар хил гидротехник иншоотлар, 262 километр узунликда суғориш тармоқлари қурилди, 274 километр хўжаликлараро коллекторлар, 745 километр ички хўжалик коллекторлар ва 553 километр ёпиқ ётиқ дренажлар реконструкция қилинди, 1174 гектар майдонда лазерли текислаш ишлари амалга оширилди, 264 та экскаватор, 51 та бульдозер, 8 та земснаряд, 4 та гидротрубина, 56 дона йирик насос агрегатлари олиб келинди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

Хоразм Вилояти

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

# ХОРАЗМДА САНОАТ КЕНГ РИВОЖЛАНАДИ

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида Хоразм вилояти шаҳар ва қишлоқлари ҳам тобора чирой очиб, аҳолининг турмуш шароити яхшиланмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 22 ноябрда қабул қилинган Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантиришга доир қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Вилоятда мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Юртбошимиз раҳнамолигида вилоятимизда саноатни ривожлантириш борасида бундай улкан ишларнинг амалга оширилиши бизни беҳад қувонтиради, – дейди «Мини аккумулятор» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Арслон Қаландаров. – Мазкур ғамхўрликдан руҳланган корхонамиз жамоаси ҳам янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида янги иш ўринлари ташкил этиш ҳажми ошади. Хусусан, 2013 йилда умумий қиймати 152,1 миллион доллар миқдоридаги 137 лойиҳа амалга оширилиб, 2772 янги иш ўрни яратилади. 94 озиқ-овқат маҳсулотлари ва 159 ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳаларнинг амалга оширилиши мўлжалланмоқда. «SV SHOVOT» масъулияти чекланган жамияти негизида йилига тўрт минг тонна томат пастаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ишга туширилиб, 30 янги иш ўрни очилади. Урганч туманидаги «Ўзбегим Хоразм» агрофирмасида ҳам томат пастаси ва мураббо қадоқлаш тармоғи фаолияти йўлга қўйилади. Урганч шаҳридаги «Best butter production» масъулияти чекланган жамиятида келгуси йилнинг учинчи чорагидан кетчуп ва майонез ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

2013 йилда Ҳазорасп ва Янгибозор туманларида йилига 100 тонна мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар ўз фаолиятини бошлайди.

Дастур доирасида гўшт, сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш йўналишида ҳам йигирмага яқин лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши кўзда тутилмоқда. Боғот туманидаги «Толиб Акмал» фермер хўжалигида йилига 700 тонна сут ва 100 тонна гўштни қайта ишлаш мўлжалланмоқда. Бу ерда колбаса маҳсулотлари тайёрлайдиган шохобча 2013 йилнинг иккинчи чорагида ишга туширилади. Шунингдек, Шовот туманидаги «Ражаб Матназар» фермер хўжалиги, Урганч туманидаги «Элита чорва насл» масъулияти чекланган жамиятида ҳам колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланади.

– Ўн йилдан бери қандолат ва нон маҳсулотлари тайёрлаймиз, – дейди урганчлик якка тадбиркор Шодмонжон Оллаберганова. – Табиийки, уларни тайёрлаш учун турли маҳсулотлар зарур. Келгусида бундай маҳсулотлар вилоятимизда ишлаб чиқарилишидан ғоят хурсандмиз.

Вилоятда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш ҳамда фаолият кўрсатмаётган ва кам қувватли корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳисобига енгил саноат тармоғида 34 лойиҳа амалга оширилади. Чарм пойабзал саноатида 9, фармацевтика соҳасида 12, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 57, электр буюмлари тайёрлаш бўйича 6, машинасозлик тармоғида 16 ва бошқа турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 11 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Натижада 45 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

«KHOREZM TECH» қўшма корхонасида телевизор ва мониторлар, «Сано» масъулияти чекланган жамиятида велосипед, «Катқалъа Текс» масъулияти чекланган жамиятида пайпоқ, «Бахт ҳаракат меваси» масъулияти чекланган жамиятида кўмир брикети, «Люкс спорт инвектор» ва «Бешариқ чарм» хусусий корхоналарида спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилади.

Умуман олганда, вилоятда саноатни юксалтириш мақсадида олиб борилаётган улкан ишлар аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда вилоят иқтисодиётини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**А.ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ – ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгайиб, янги босқичга кўтарилмоқда.**

**(Боши 1-саҳифада)**

2012 йилги Инвестиция дастурига биноан, жорий йилда яна 20 дан зиёд ҚВПлар фойдаланишга топширилмоқда.

Бугунги кунда ана шу тиббиёт бирламчи бўғинининг ихчам ва замонавий тизими – қишлоқ врачлик пунктларида етти минг нафардан ортиқ умумий амалиёт шифокори самарали фаолият юритмоқда. Уларнинг меҳнати, яратилган шароит, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, энг муҳими, амалий чора-тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Маълумотларга кўра, республикамизда полиомелит, чақалоқлар қоқшоли, дифтерия каби хасталикларга бутунлай барҳам берилган. Охирги йилларда қизамиқ ва қизилча сингари касалликлар умуман қайд этилмаган. Сўнгги ўн йилда ўн ёшгача бўлган болаларда вирусли гепатитнинг "В" тури рўйхатга олинмаган.

Шу ўринда яна бир халқаро эътирофни айтиб ўтиш жоиз. Бир муддат олдин Ўзбекистон "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди. Мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатаётган тиббий ходимлар сони, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, болаларнинг мунтазам эмлашга қамраб олиниши, аёлларга туғиш пайтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари каби қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича рейтингда Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг кўплаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди.

Буларнинг барчаси Президентимиз раҳбарлигида истиқлолнинг илк йиллариданоқ бошлаб амалга оширилаётган "Соғлом она – соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастур доирасидаги чора-тадбирлар самарасидир. Жорий йилда эса ушбу дастурдаги ишлар кўлами янада кенгайиб, янги босқичга кўтарилди. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро жамғармалар билан ҳамкорликда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали ташхис қўйиш, касалликларни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилди, профилактик тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилди.

Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллигини юксак меҳнат ютуқлари билан кутиб олдик. Ана шу даврда жуда кўплаб иншоотлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, тиббиёт муассасалари ҳам. Ана шулар орасида Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиожарроҳлик мажмуаси ҳам бор. 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АҚШ долларидан иборат маблағ ҳисобидан қуриб битказилган, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган ушбу маскан бугунги кунда ўткир муаммо бўлиб турган юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирда бу ерда биргина кардиожарроҳлик соҳасида юзга яқин турдаги энг қийин ва ўта нозик бўлган операциялар, хусусан, юрак очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан ҳам амалга оширилмоқда. Бу мамлакатимизда тиббиётнинг юксак даражада ривожланаётганидан далолат.

Давлатимиз раҳбарининг соҳага доимий эътибори тизимнинг тараққий этишида муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори тиббиёт муассасалари фаолиятини самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва андозаларга мувофиқ, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, соҳада меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.



– Президентимизнинг шифокорларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги бизни янада шижоат билан меҳнат қилишга ундайди, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фанлари доктори Холиджон Комилов. – Бундай эътибор ҳеч қайси мамлакатда йўқ, десам янглишмайман. Бу эътиборни ҳар бир шифокор, қолаверса, ҳар бир инсон фаолиятида кўриб турибди. Оддийгина ўзимиздан қиёс. Истиқлол йилларида миллий офтальмология мактаби ривожланди. Авваллари хорижда ўтказилган ўта мураккаб диагностика текширувлари, кўз жарроҳлиги операциялари эндиликда ўзимизда, ўзимизнинг шифокорлар томонидан ўтказилмоқда. Айни шу жиҳатда, яъни кадрлар тайёрлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида ҳам Президентимизнинг эътиборини кўриб турибмиз. Буларнинг барчаси бизга катта руҳий куч ва мадад бағишлайди, фидойиликка, элу юрт хизматига камарбасталикка чорлайди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келгуси йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишларга эътибор қаратар экан, **халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади,** дея алоҳида таъкидлади.

Эртасини ўйлаган халқнинг келажаги буюк бўлади. Мамлакатимиз тиббиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлардан дилимиз янада равшанлашади, қалбимиз ғурурга тўлади. Соҳани янада тараққий эттириш асосий вазифалардан этиб белгилангани эса келажакка қаратилган эътиборнинг ёрқин далилидир. Буларнинг барчасида инсон омили, унинг манфаатлари, келажагимиз ворисларини баркамол этиб вояга етказишдек эзгу мақсад мужассамлашгандир.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

▼ АНЖУМАН

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида акушерлик ва гинекология амалиётидаги критик ҳолатларга бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини таъкидладилар. Акушерлик ва гинекология амалиётидаги бугунги долзарб вазифалар ҳамда муаммолар муҳокама этилди.

Анжуманда юқори малакали тиббиёт ходимлари тайёрлаш, ҳомиладорларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан даволаш, диагностика хизматларидан унумли фойдаланиш ҳамда тўғри ташхис қўйиш масалаларига оид маърузалар тингланди. Келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда – "Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси" яхши самара бермоқда.

Умумий қиймати 74,5 миллион АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳанинг 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағини Жаҳон банки молиялаштирмоқда.

Лойиҳа асосида 300 километр узунликдаги жанубий Қорақалпоғистон магистрал коллекторининг қайта таъмирланиши натижасида оқова сувлар ўзи оқар ҳолатга келтирилиб, "Беруний" ва "Қизилқум" насос станцияларининг иш фаолияти тўхтатилди, йилига 1,5 миллиард сўм миқдорида бюджет маблағлари иқтисод қилинмоқда ҳамда Амударёга шўрланиш даражаси юқори бўлган оқова сувларнинг ташланишига барҳам берилиб, зах сувларини Ақчадарё орқали Оролга бориб қуйилиши таъминланмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманларида 100 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш имконини бермоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз борди. Соҳа мутахассислари, олимлар, тегишли бошқарма бошлиқлари ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда ер ва сув ресурсларини тежайдиган самарали технологияларни амалиётга кенг татбиқ этиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилаётгани, хусусан, ресурстежамкор технологияларни жорий этишда қатор имтиёзлар, қулайликлар яратилгани қайд этилди. Соҳадаги янгиликлар, илғор тажрибалар хусусида сўз борди. Бу борадаги ишлар кўламининг кенгаётгани тараққиёт ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

**А.БОТИРОВ**

Бухоро Вилояти

**"Аму-Бухоро" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида жорий йил якунлари бўйича юқори кўрсаткичларга эришган экскаваторчиларни тақдирлаш мақсадида тадбир ташкил этилди.**

# АСТОЙДИЛ МЕҲНАТ ВА МУНОСИБ РАҒБАТ

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида 2008-2012 йиллар давомида вилоятда жами 120,3 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағлари ўзлаштирилиб, 630,4 км. узунликдаги коллекторларни реконструкция қилиш ва қуриш, 6580 км. узунликдаги коллекторларни тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди ҳамда 140 та янги замонавий техникалар харид қилинди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларда бажарилган реконструкция қилиш, қуриш ва тизимли таъмирлаш ишлари натижасида 217,5 минг гектардан ортиқ майдонда ер ости сувлари сатҳи пасайтирилиб, мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаш ва 5,5 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга эришилди.

— Экскаваторчилар меҳнатининг рағбатлантирилиши меҳнат суръатини оширади, — дейди "Амубухороканалқурилиш" ҳиссадорлик жамиятига қарашли 4-сонли КМК механизатори, Ўзбекистон Қаҳрамони Тўра Нарзиев.

Тадбирда 100 дан ортиқ экскаваторчига ҳавза бошқармаси ва тизим ташкилотларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

▼ ТАҲЛИЛ

# МУВАФФАҚИЯТЛАР ЯНГИ МАРРАЛАРГА УНДАЙДИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларга йўллаган табригида "деҳқонларимизнинг қадоқ қўллари билан яратилган бу юксак хирмоннинг нақадар бебаҳо бойлик эканини катта миннатдорлик билан қайд этиш, албатта, ўринли бўлади" деб таъкидлаганди. Дарҳақиқат, жорий йилда пахтакорларимиз фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга таянган ҳолда салмоқли ютуқларга эришишди. Кўзда тутилганидан зиёд саноат хомашёси етказиб берган деҳқонларнинг юзи ёруғ бўлди.**



Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари шартнома режасига қўшимча равишда 25 минг тонна "оқолтин" топширишди. Андижон вилояти деҳқонлари ҳам шартномага қўшимча 25 минг тонна қимматли хомашё йиғиб олишди. Навоийликлар эса белгиланганидан 10 минг тонна зиёд пахта хирмони бунёд этишди. Ушбу ҳудудларда ҳамма туманлар шартномавий топшириқларини ошириб бажаришди.

Самарқандлик деҳқонлар қабул масканларига 223 минг тонна ўрнига 232 минг тонна пахта, сирдарёликлар эса 243 минг тонна ўрнига 248 минг тонна хомашё етказиб беришди. Бошқа ҳудудлар пахтакорлари ҳам ўз зиммаларига олган шартномавий мажбуриятларни ортиғи билан бажариб салмоқли ютуқларга эришдилар.

Мамлакат заршунослари муваффақиятига бир қатор туманлар катта ҳисса қўшдилар. Чунончи, Амударё тумани пахтакорлари олинган шартномавий режаларини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Шартномага қўшимча равишда 11 минг тонна пахта хомашёсини топширдилар. Қанликўл, Қўнғирот, Нукус, Хўжаобод туманлари деҳқонлари шартномавий режаларини 123-124 фоизга бажариб, қўшимча 1,5-2 минг тоннадан хомашё сотишди.

Қораўзак, Шаҳрихон, Кегейли, Ўзбекистон, Тахтакўпир, Олтинкўл, Бувайда, Учкўприк туманлари пахтакорлари ўз зиммаларига олган шартномавий режаларини 118-121 фоизга бажариб, юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Эртаги, юқори сифатли, мўл ҳосил етиштирилишида тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навларининг минтақалар тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда оқилона жойлаштирилгани муҳим омил бўлди. Асосий майдонларда толаси жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган "С-6524", "Наманган-77", "Бухоро-8", "Бухоро-6", "Бухоро-102", "АН-Боёвут-2", "С-4727", "Хоразм-127", "Андижон-35", "Андижон-36", "Омад" навлари етиштирилди. Булар билан бир қаторда, сўнгги йилларда яратилган IV-V тип тола берадиган янги "Султон", "С-6541", "Наманган-34", "Хоразм-150", "Гулбаҳор", "Кўпайсин", "АН-16", "Дўстлик-2", "Бешқаҳрамон" каби истиқболли навларни эккан фермерлар ҳам юқори ҳосилдорликка эришишди.

Амударё туманидаги "Ғайрат", "Амирхон", Қанликўл туманидаги "Оқ-телпак", Қумқўрғон туманидаги "Анҳор", Балиқчи туманидаги "Коинот", Сайхунобод туманидаги "Қоратой Мирзаев", Пахтаобод туманидаги "Абдужалил Раҳим", Хонқа туманидаги "Истиқлол", Данғара туманидаги "Ёқубжон Дадамирза", Ромитан туманидаги "Саттор Султон", Дўстлик туманидаги "Эшниёз бобо", Оқолтин туманидаги "Қурбонгул Мамадалиева", Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил" фермер хўжаликлари гектаридан 45-51 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг муҳим омилларидан бири — бу, албатта, ғўзанинг навдорлиги (96 фоиздан кам бўлмаслиги) ва уруғлик чигитнинг унувчанлиги (96-98 фоиздан юқори бўлиши) га жиддий эътибор берилганлигидир. Ҳар бир нав бўйича минтақа тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларига агротехник тадбирларни тўғри ва самарали ўтказишга доир тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга изчил етказиб турилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Кўп йиллик илмий-амалий тажрибаларга таянган ҳолда шундай хулосага келинганки, эртаги ҳосил етиштириш учун унинг 45 фоизи июнь ойида, 47 фоизи июлда, қолган қисми эса августнинг биринчи ярмида шаклланиши лозим. Бунинг учун ғўзани эртароқ чеканка қилиш керак. Яъни ғўза 12-13 та ҳосил шохи чиқарганда, ўрта ва кечпишар навларнинг 11-12 та ҳосил шохи пайдо бўлганда. Чеканка кеч ўтказилса, ҳосилнинг аксарият қисми тўкилиб кетади. Бундан ташқари, кеч муддатларда етилган кўсаклар етарли ҳароратни тўплай олмаслиги оқибатида пишмай қолади.

Пахта ҳосилининг камайишига ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришда мақбул меъёр, муддат ва нисбатларига етарли эътибор берилмаслиги ҳам сабаб бўлади. Азот, фосфор ва калий ўғитидан тўғри фойдаланилмаслик ҳосилнинг 28 фоиз камайишига олиб келади. Баъзи минтақаларда фосфор ва калийнинг ўрнини қоплаш учун органик ўғит, компост ва ноанъанавий агрорудалар (бентонитлар, глауконитлар, фосфоритлар) тайёрлашга талаб даражасида аҳамият берилмади. Оқибатда бу ерда кўсаклар вазни 15-20 фоизга камайди.

Ҳосилнинг 50-55 фоизи минерал ўғитлар ҳисобига яратилишини фермерлар, мутахассислар унутмасликлари зарур.

Агротехнологияда йўл қўйилган камчиликлар тупроқ унумдорлигига салбий таъсир этади. Масалан, фақат минерал ўғитлар ва бошқа воситаларни ишлатиш чиринди миқдорини камайтиради, тупроқнинг таркибини бузади, уни зичлаштиради, озуқа моддалар камайиб, экинларда касаллик чиқарувчи микроорганизмлар кўпаяди, иккиламчи шўрланиш кучаяди. Бунинг олдини олиш учун чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро, йилнинг ҳамма фаслларида ер экин билан банд бўлиши учун беда, мош, ловия ва бошқа ҳаводан азот йиғувчи, тупроқни органик моддаларга бойитувчи экинлар экиш, энг арзон органик ўғит — гўнг, компостлар билан етарли миқдорда таъминлаш мақсадга мувофиқ. Натижада ҳосилдорлик ортиб, пахта экин майдонларини камайтириш имкони яратилади. Тупроқ унумдорлигини барқарор ошириб боришнинг бундан бошқа йўли йўқ. Чиринди қанча кўп йиғилса, тупроқда жамланган гумус миқдори шунча кўп бўлади.

Бугунги кунда пахтакорларимиз бутун диққат-эътиборларини жорий йилда эришилган ютуқларни келгуси йилда янада кўпайтириб, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга замин яратмоқдалар.

**Ренат НАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

# ТАРМОҚ ТАКОМИЛЛАШУВИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг навбатдан ташқари VI Қурултойи бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи муҳокама қилинди. Масала юзасидан Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси М.Анорбоев маъруза қилди. Музокаралардан сўнг тегишли қарор қабул қилинди.

Тадбир сўнгида тизимда кўп йиллар самарали фаолият олиб борган бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, фаоллар тақдирланди.

**Р.СУЯРОВ**

Наманган Вилояти

▼ ТОМОРҚА – ХАЗИНА



# Даромад ошиб, имконият кенгаймоқда

— Ҳудудимизда тўртта маҳалла фуқаролар йиғини бор, — дейди Норин тумани "Тошлоқ" ҚФЙ раиси Қодиржон Умаров. — Кейинги йилларда аҳолининг томорқадан олаётган даромади ортиб боряпти. Жумладан, Абдурашид Усмонов хонадонида саккиз сотихли томорқада Хитой технологияси бўйича иссиқхона ташкил этиб, турли хил кўкат етиштиряпти.

— Ҳар йили ўттиз миллион сўм даромад оламиз, — дейди Абдурашид Усмонов. — Томорқа ишларида турмуш ўртоғим Зулфия, қизларим Шаҳноза, Дилноза, Гулноза, ўғилларим Авазбек, Иқболжонлар ҳам тажриба орттиришган.

— 2007 йилда бир гектар майдонда деҳқон хўжалигини ташкил этдик, — дейди "Уч ака-ука Умаров" деҳқон хўжалиги раҳбари Шерзод Умаров. — Дастлаб у ерга бодом, гилос, хурмо каби мевали дарахт кўчатлари ўтқаздик. Кейинчалик қирқ сотих жойда Хитой технологиясида иссиқхона ташкил этдик. Иссиқхоналарнинг узунлиги 115 метр, энига 3 метр ўлчаб, икки метр чуқурликда хандақлар қазиб тайёрладик. Хандақлар усти икки қаватли полиэтилен плёнкалар билан қопланди. Ҳар бир ўлчамдаги иссиқхоналарга керакли миқдорда лимон кўчатларини ўтқазиб, уларнинг ён-атрофларида турли хил кўкатлар етиштиряпмиз.

Тадбиркор Шерзод Умаровнинг таъкидлашича, Хитой технологияси асосидаги иссиқхона табиий бир шароитда мўътадил иқлимни сақлаб, ҳеч қандай электр энергия ва иссиқлик манбаини талаб этмайди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

